

# ТЎХТАҒУЛ СУВ ОМБОРИНИНГ НОРИН ДАРЁСИ ГИДРОЛОГИК РЕЖИМИГА ТАЪСИРИ ҲАҚИДА

Рапиқов Б.Р.

*Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети*

Ҳозирги кунда дунё микёсида трансчегаравий дарёлар сув ресурсларидан халқаро меъёрлар асосида фойдаланиш ғояси илгари сурилмоқда. Хусусан, БМТнинг 1992 йил 18 сентябрдаги “Трансчегаравий сув оқими ва халқаро кўлларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш” бўйича Конвенциясида ва 1997 йилнинг 21 майида БМТнинг Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган “Халқаро сув оқимларидан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисида”ги Конвенцияда “Трансчегаравий таъсир кўрсатаётган ёки таъсир кўрсатиши мумкин бўлган фаолиятни амалга оширишда трансчегаравий сувлардан уларнинг трансчегаравий характерини инобатга олган ҳолда, оқилona ва адолатли фойдаланишни таъминлаш” кўзда тутилади. Демак, ушбу халқаро масалага бағишланган ҳужжатларнинг барчаси трансчегаравий дарёлар оқимини бошқаришда дарё ҳавзасидаги биронта давлат зиён кўрмаслигини назарда тутди.

Ушбу ишнинг асосий **мақсади** Норин дарёси сув режимининг гидротехник иншоотлар таъсирида ўзгаришини ўрганишга қаратилди. Шу туфайли ишнинг тадқиқот объекти сифатида Норин дарёси, ундаги гидрологик постлар ва ушбу дарё ўзанида барпо этилган Ўрта Осиёдаги энг катта сув омбори Тўхтағул сув омбори танлаб олинди. Мазкур иншоот 1975 йилда фойдаланишга топширилган.


Айнан шу йиллардан бошлаб Норин дарёсининг қуйи оқимида жойлашган гидрологик постларда масалан, “Учқўрғон ГЭСи” гидрологик постида оқимнинг йил давомида ойлар ва мавсумлар бўйича тақсимланишида кескин ўзгаришлар қайд этилди.

Шу ҳолатни ҳисобга олиб, ишда Норин дарёсининг мазкур постида 1953-2015 йиллар давомида кузатилган ўртача ойлик ва йиллик сув сарфлари маълумотларидан фойдаландик. Норин дарёсидаг ушбу узлуксиз кузатиш

йиллари табиий гидрологик режимга эга бўлган давр (1953-1975) ҳамда дарёнинг сув режими иншоот таъсирида ўзгарарган (1976-2015) даврларга ажратилди.

Тадқиқотда I ҳисоб даврдаги оқим кўрсаткичлари эталон сифатида олинди. II ҳисоб даври эса, 5 йилликлар бўйича 9 та кичик ҳисоб даврларига ажратилди.

Норин дарёси (Учкўрғон ГЭС) ўртача йиллик оқимининг I ҳисоб даврдаги ҳамда табиий ҳисоб даврида ҳамда ундан кейинги ҳисоб беш йилликлардаги миқдорий кўрсаткичлари аниқланди ва таҳлил қилинди (1-расм).





Изоҳ: 1 табиий режимли I ҳисоб даври ,2,3,4,5,6,7,8,9,10 – 1976-2015 йиллар оралиғидаги беш йиллик кичик ҳисоб даврлари.

Графикдан кўриниб турибдики, Норин дарёсининг юқори оқимида қад ростлаган Тўхтағул сув омбори 1975 йилда фойдаланишга топширилгандан сўнг қарийб 15 йил давомида Норин дарёсининг қуйи оқимида йиллик

оқимининг кескин ўзгаришлари, яъни камайиб кетиши қайд этилган. Табиий даврда Норин дарёсининг ўртача йиллик оқими ҳажми  $13890 \cdot 10^6 \text{ м}^3$  бўлган бўлса, 2-кичик ҳисоб даврида, яъни 1976-1980 йилларда ушбу кўрсаткич  $8899 \cdot 10^6 \text{ м}^3$  га тушиб кетган, аниқроқ қилиб айтганда, йиллик оқим миқдори 36 % га камайиб кетган. Бунинг асосий сабаби, Норин дарёси оқими асосий қисмининг Ўрта Осиёда энг йирик сув омбори ҳисобланган Тўхтағул сув омборининг фойдасиз (ўлик) ҳажмини тўлдириш учун сарфланганлигидадир.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб, Тўхтағул сув омбори ирригацион режимдан энергетик режимга ўта бошлаган. 1990-йилларнинг ўрталаридан бошлаб Тўхтағул сув омбори тўлиқ энергетик режимга ўтди. Сув омборида Норин дарёси оқимини тўплаш ёз ойларида, ундан энергия олиш мақсадида фойдаланиш, эса асосан қиш ойларида амалга оширилган. Бунинг натижасида табиат қонунига зид ўзгаришлар юз бера бошлаган. (2, 3-расмлар).





Изоҳ: 1,2,3,4,5,6,7,8,9,10 – ҳисоб даврлари.

Юқоридаги графиклардан кўриниб турибдики, январь ҳамда июнь ойларидаги ушбу ўзгаришлар Норин дарёси оқими ҳосил бўлишининг табиий қонуниятга умуман тўғри келмайди. Хусусан, табиий даврда январь ойидаги оқим ҳажми  $444,9 \cdot 10^6 \text{ м}^3$  га тенг бўлган бўлса, бугунга келиб, ушбу миқдор  $1754,1 \cdot 10^6 \text{ м}^3$  га етган, яъни 3 мартага ортган. Ёз ойларида эса юқоридагининг мутлақо аксини кўришимиз мумкин. Масалан, табиий режимли даврда Норин дарёсида июнь ойидаги оқим ҳажми  $2786,8 \cdot 10^6 \text{ м}^3$  бўлса, 2014-2015 йилларда июнь ойидаги оқим ҳажми  $701,9 \cdot 10^6 \text{ м}^3$  га тушиб кетган, яъни 74,8 % га камайиб кетмоқда. Бир сўз билан айтганда, охириги йилларда дарё оқими дарё инсон омиллари таъсирида бошқарилмоқда. Ушбу ўзгаришлар Норин дарёсининг қуйи оқимида қандай муаммоларни юзага келтириши ўз-ўзидан равшан.

Юқорида баён этилганларга хулоса қилиб айтадиган бўлсак, бугунги кунда, Норин дарёсида қурилган Тўхтағул сув омбори таъсирида унинг оқимидан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган, бир-бирига қарама-қарши икки муаммо юзага келди. Уларнинг биринчиси - вегетация даврида экинларни суғоришда сув тақчиллиги муаммоси бўлса, иккинчиси эса куз ва қиш фаслларида, табиат қонунига зид равишда, дарё оқимининг табиий меъёрга

нисбатан 2-4 марта ортиб кетишидир. Бунинг оқибатида Республикамиз Наманган вилоятининг Сирдарё ўзанига яқин жойлашган ҳудудларида сув тошқинлари каби ҳалокатли ҳодисалар ҳам юзага келмоқда.

*Адабиётлар:*

1. Ирригация Узбекистана. Том III. -Ташкент: Фан, 1979. -357 с.
2. Шульц В.Л., Машрапов Р. Ўрта Осиё гидрографияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1969. – 328 б.
3. Ҳикматов Ф.Ҳ., Рапиқов Б.Р. Тўхтағул сув омборининг Норин дарёси оқимининг йил давомида тақсимланишига таъсири // Ўз ГЖ ахбороти. -2016. - Том 48. -Б. 119-123.
4. Hikmatov F.H, Rapiqov B.R. Norin daryosi suv rejimining gidrotexnik inshootlar ta'sirida o'zgarishi // Geografiya va O'zbekiston tabiiy-resurs salohiyatini baholash muammolari. Respublika limiy-amaliy konferensiyasi materiallari. – Toshkent, 2016. – B. 186-188.
5. [www.uza.uz](http://www.uza.uz) , [www.mfa.uz](http://www.mfa.uz)